



**Али Ниҳод ТАРЛАН (TARLAN, Ali Nihad)**

(1898-1978)

(мумтоз адабиёт тарихчиси, шоир ва ёзувчи)

Асли доғистонлик бадавлат бир оиланинг фарзанди бўлган А.Н.Тарлан Истанбулдаги Везнежилер маҳалласида таваллуд топди. Манастир туманидаги ҳарбий бошланғич мактабни тугатди. 1908да отасининг маслағи туфайли таълимини Салоник шаҳридаги франсуз мактабида давом эттирди. 1910 йил отаси нафақага чиққач оиласи Истанбулга қайтди. Коска маҳалласидаги Бурҳони тараққий рушдия мактабида ўқишни давом эттирди. Кейин Вафо султоний мактаби, кейин эса Истанбул дорилфунунидаги форс ва франсуз бўлимларини таҳсил олиб, 1920 йил мазкур дорилфунуннинг адабиёт факультетини тугатди.

*“Ислом адабиётида Лайли ва Мажнун маснавийси”* мавзусидаги докторлик диссертациясини тугаллаб, адабиёт факультетида биринчи бўлиб докторлик унвонини олди (1922). Галатасарой султоний мактаби, Бешиктош султоний мактаби, Қабатош лицейи, шунингдек бошқа халқларнинг Ҳиндлиён, Эсеян, Безезян каби мактабларида тил, адабиёт, форсча, французча дарслар берди. 1933 йил Истанбул дорилфунуни адабиёт факультети турк тили ва адабиёти бўлимида матн шарҳи бўйича доцент этиб тайинланди. Шайхий девонининг тадқиқи мавзусида диссертацияси ёқлади. 1941 йил профессор бўлди. 1953 йил эски турк адабиёти кафедраси мудири бўлди. Олий ислом институтида форс тилидан дарс берди. Адабиёт тарихи, матн шарҳи мавзусида кўплаб тадқиқотлар олиб борди. Халук Ипактан, Мехмет Али Танйери, Кўнгул Текин, Ҳорун Тўласа, Гунай Кут, Мехмед Чавушўғли каби истеъдодли олимларни етиштирган Тарлан 1972 йил нафақага чиқди.

Ҳам олим ҳам шоир бўлган Тарлан Оврупо тилларидан бир қанча асарлар таржималар қилди, туркий ва форсийда ғазаллар, манзум пьесалар, сонетлар, кўшма ва нафас турида шеърлар, манзумалар қаламга олди. Унинг ижодидан намуналар *Шабоб, Сарвати фунун, Адабиёт, Кундуз, Генчлик, Фикр ва санъатда ҳаракат, Ҳар ой, Ҳилол, Ислому тушунчаси, Сабилур-рашод, Турк тили, Турк юрти, Буюк Шарқ, Мавлоно, Ислому маданияти, Сўз, Улку, Бугун, Янги Осиё, Янги Истанбул, Зафар* сингари газета ва журналларда чоп этилди.

Мумтоз адабиёт, тасаввуф, классик шоирлар, адабиёт масалалари, матн тадқиқига доир тадқиқотлари билан бир қаторда матн шарҳига алоҳида тўхталди, адабиётда шоирнинг руҳ дунёси, ҳаёти ва муҳитини тадқиқ этишда янги услуб қўлади. Сабки ҳинди ҳақида мақолалар ёзди. Туркияда танкидий девон нашр қилиш усулини биринчи бўлиб йўлга қўйди. Хаёлийбек, Нажотибек, Бурсали Аҳмад пошо ва Зотий девонларини шу услубда нашрга тайёрлади.

Форсийзабон усмонли шоирларининг ижодларини туркийга ўгирди. Алишер Навоий, Ёвуз Султон Салим, Нафъий, Набий, Надим асарлари, шунингдек Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонини нашрга тайёрлади. Муҳаммад Иқболнинг айрим асарларини ўгирди. Форсийзабон адабиётни тадқиқ ва нашр ишлари учун Эрон ва Покистон давлатлари томонидан бир қанча совринлар билан мукофотланди. Олимнинг шахсий кутубхонаси бугун Сулаймония кутубхонаси томонидан авайлаб асраб келинмоқда.

### **Асарлари:**

Шеърӣ ва насрий асарлари “Қуёш япроқ” (Истанбул 1953) ва “Қуғулар” (Истанбул 1970) номлари остида чоп этилди.

### **Илмий-тадқиқот асарлари:**

1. Адабий санъатларга доир (Истанбул 1930).
2. Шайхӣ девонини тадқиқ (I-II, Истанбул 1934-1936, 1964).
3. Девон адабиётида тавҳидлар (Истанбул 1936).
4. Девон адабиётида муаммо (Истанбул 1936).
5. Матн таъмири (Истанбул 1937).

6. Матн шарҳларига доир (Истанбул 1937).
7. Бадиийлик жиҳатидан адабиётимизнинг ички такомили (Анқара 1939).
8. Форс адабиёти (Истанбул 1944).
9. Шеър мажмуаларида XVI. ва XVII. аср девон шеъри (Истанбул 1948-1949).
10. Мехмед Окиф (Истанбул 1957, 1961, Нуриддин Тўпчу билан ҳамкорликда).
11. Мехмед Окиф ва Сафаҳот (Истанбул 1971).
12. Адабиёт масалалари. (Истанбул 1981).
13. Фузулий девони шарҳи (I-III, Ankara 1985).

#### **Танқидий девон нашрлари:**

- Хаёлийбей девони (Истанбул 1945);
- Фузулий девони: ғазал, мусаммот, муқаттаъ ва рубоий қисми (Истанбул 1950);
- Нажотийбег девони (Истанбул 1963);
- Аҳмад Пошо девони (Анқара 1966);
- Зотий девони (I-II, ғазаллар қисми, Истанбул 1968-1970).

#### **Адабий суҳбатлари:**

Шайх Ғолиб: ҳаёти ва ижоди (Анқара 1939); Замоनावий Эрон шеъри (Анқара 1938), Санъат ва адабиёт суҳбати (Адана 1939), Мехмет Окиф (Истанбул 1939), Танзимот адабиётида ҳақиқий мужаддид (Анқара 1940), Алишер Навоий (Истанбул 1942), Девон адабиётида бадиият тушунчаси (Истанбул 1946), Абдулҳақ Ҳамид (Истанбул 1947), Мавлоно Жалолиддин Румий (Истанбул 1948).



#### **Форсийдан таржималари:**

Зардушт гаталари (Истанбул 1935); Лайли ва Мажнун (Низомий Ганжавийдан, Истанбул 1943); Низомий Ганжавий девони (Истанбул 1944); Нафъийнинг форсий девони таржимаси (Истанбул 1944); Ёвуз

Султон Салим девони (Истанбул 1946); Хусрав ва Ширин (Низомий Ганжавийдан, Истанбул 1949); Фузулийнинг форсий девони таржимаси (Анкара 1950); Шарқдан хабар (Муҳаммад Иқболдан, Анкара 1956); Асрор ва румуз (Муҳаммад Иқболдан, Истанбул 1958, 1964); Румузи Бехудий (Муҳаммад Иқболдан, Истанбул 1958); Асрори Худий (Муҳаммад Иқболдан, Истанбул 1958); Янги Гулшани роз (Муҳаммад Иқболдан, Истанбул 1960); Забури ажамдан сочмалар (Муҳаммад Иқболдан, Истанбул 1964); Зарби калим (Муҳаммад Иқболдан, Истанбул 1968); Ҳижоз армуғони (Муҳаммад Иқболдан, Истанбул 1968); Муҳаммад Иқболдан шеърлар (Истанбул 1971).

*Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлари:*

1. А.Н.Тарлан. Буюк турк шоири Мир Алишер Навоий, Боку 1926;
2. А.Н.Тарлан. Алишер Навоий, Истанбул университети нашриёти, Истанбул 1942;
3. А.Н.Тарлан. Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари, Истанбул 1962.



(Günay Kut, **TARLAN, Ali Nihad**, DİA, cilt: 40, sayfa: 108-110)

**ф.ф.д. Нодирхон Ҳасанов тайёрлади**